

## UZBEKISTAN'S PARTICIPATION IN THE HARMONIZATION OF GLOBAL NATIONAL AND UNIVERSAL INTERESTS

**Tilavov Uktamjon Gulomovich**

Is a doctoral student of the National University of Uzbekistan

### **Annotation**

The article reveals the national and universal interests from the perspective of environmental issues and analyzes the position of Uzbekistan.

### **Keywords:**

Globalization, national interests, universal interests, environmental problems, interests of Uzbekistan, environmental protection.

## ГЛОБАЛ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАНФААТЛАРНИ УЙЎНЛАШТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

**Тилавов Ўктамжон Гуломович ЎЗМУ докторанти**

### **Аннотация**

Мақолада миллий ва умуминсоний манфаатлар экологик муаммолар ракурсида очиб берилган ва унда Ўзбекистон позицияси таҳлил қилинган.

### **Калит сўзлар:**

Глобаллашув, миллий манфаатлар, умуминсоний манфаатлар экологик муаммо, Ўзбекистон манфаатлари, атроф-муҳит муҳофазаси.

Инсоният XX асрда дуч келган энг улкан ва жиддий муаммолардан бири бу шубҳасиз, экология бўҳронидир. 1972 йилда Стокгольмда БМТ Конференциясида атроф-муҳитнинг таназзули масаласи ўртага қўйилди. Шундан кейин ҳукуматлар глобал миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш муаммоларни юмшатиш ва мавжуд масалаларни ечиш бўйича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастури (ЮНЕП)ни ишлаб чиқдилар. 1980 йил БМТга аъзо бўлган давлатлар экология соҳасида бир неча катта хавф-хатарлар, масалан озон қатламини муҳофаза қилиш, захарли чиқиндиларни ташишни назорат этиш бўйича битимлар лойиҳаси муҳокама этилди. [1]

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йилда Рио-де-Жанейрода "Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув" номи билан танилган Конференциясида БМТ атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича Концепцияси (ЮНСЕД-92) муҳокама қилинди ва "XXI асрга ташриф" дастури қабул қилинди. Конференция атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашаётганига чек қўйиш ва XXI асрдаги барқарор ҳаёт учун асос яратиш чораларини белгилади. "XXI асрга ташриф" дастурида атмосферани муҳофаза этиш, ўрмонларни асраб қолиш, тупроқ эрозияси ва саҳрога айланишга қарши кураш, ҳаво ва сув ифлосланишини олдини олиш, балиқ захираларини камайиб кетишига қарши кураш, захарли чиқиндиларни зарарсизлантириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган. Шунингдек, Рио декларациясида барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал консенсуси тамойиллари тўғрисида баёнотини қабул қилди. [2]

Хрзирда кенг жамоатчилик тамонидан глобал миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришвазият янада мураккаблашганлиги ва атроф-муҳитмуаммолари ер юзининг барча ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий тизимлар билан мустаҳкам чатишиб кетганлиги тан

олинмоқда. Инсонларнинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга уриниши, айниқса, собиқ лттифок даврида Марказий Осиё республикаларидаги табиий ва сув заҳираларидан нотўғри, маҳаллий ҳалқлар манфаатларини писанд қилмай фойдалапиш қандай оқибатга олиб келганини Орол денгизи қисматида кўриш мумкин.

Мана шундай таҳликали бир шароитда унинг ечими глобал сиёсий иштирокнинг, барча давлатлар манфаатларини уйғунлаштиришдан иборатлигини англаган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб Орол денгизи ва Оролбўйи регионидаги юзага келган миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириштангликни бартараф этиш чораларини кўришни бошлади. Президентимизнинг фаол саъй-ҳаракати билан мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг Орол атрофидаги миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришмуаммони бартараф этишга бўлган эътибори ортди. Жаҳон банки, БМТ тараққиёт дастури (ПРООН), ЮНЕП ташаббуси билан мазкур ҳудудга бир неча махсус миссиялар уюштирилди. Натижада Орол денгизи бўйича дастур қабул қилинди ва 1994 йилда Парижда бўлиб ўтган ривожланган давлатлар раҳбарлари учрашувида муҳокамага кўйилди.

1993 йил 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш (ОХДК) ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) га асос солинди. Жамғарманинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш ва яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Россия Федерацияси вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда Орол денгизи ва Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам бериш масаласи муҳокама этилди.[3]

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Олмаота шаҳрида (1994 й. июл) бўлиб ўтган учрашувида минтақадаги мавжуд миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириштангликни бартараф этиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда Орол денгизи ҳавзасида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришвазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чоралар кўриш каби масалалар муҳокама этилди ва бу борада битим имзоланди.

1995 йил сентябрда Нукусда И.А.Каримов ташаббуси билан Орол муаммоларига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Нукус конференцияси Орол денгизи ҳавзасидаги миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириштангликни бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамиятини минтақага илмий-техникавий ва молиявий кўмак беришга даъват этувчи тадбир бўлди. Конференцияда Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари томонидан Нукус Декларацияси имзоланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммосига бағишланган учрашувлари 1995 йил Тошхувузда, 1997 йил Остонада, 1998 йил Ашгабатда ҳам ўтказилди.

#### Адабиётлар:

1. O.O Sirojov Interests of Uzbekistan in the cooperation process in Central Asia // - PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 2020
2. O.O Sirojov, B Arabov Politics Of Uzbekistan In Solving Border Problems In Central Asia The American Journal of Political Science Law and Criminology 2 (11), 15-20
3. Fesmire, S. Ecological humanism: A moral image for our emotive culture. The Humanist, 61(1),
4. Sirojov Problems and solutions of human resources in Central Asia// Credo new 2015.